# Ўзбекистон мева-сабзавотлари юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий брендга айланмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Муассаса музейида сақланаётган экспонатлар, хусусан, пакана дарахтлардан таркиб топган боғлар суратлари билан танишган киши бунга комил ишонч ҳосил қилади. Шу боис жаҳоннинг аксарият давлатлари учун янгилик бўлган ана шу технологияни ўзлаштириш республикамиз шароитида қийинчилик туғдирмади.

Интенсив боғларга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бораётгани бежиз эмас. Чунки пакана ҳамда яримпакана дарахтлар иккинчи йилдан бошлаб ҳосилга киради. Бунга халқаро ярмарка иштирокчилари ташриф буюрган Юқори Чирчиқ туманидаги "Eco agro product" фермер хўжалиги эришаётган натижалар яққол мисол бўла олади.

Гап шундаки, ўтган йил кўкламида ушбу фермер хўжалиги тасарруфидаги 140 гектар майдонга олма, олхўри, нок, ўрик, шафтоли, гилос каби мевали дарахтларнинг пакана навлари экилиб, интенсив боғ яратилган эди. Агротехника тадбирлари обитобида олиб борилиб, ҳар кўчат алоҳида меҳр билан парваришлангани туфайли иккинчи йилдаёқ мўл ҳосил олинди.

— Навларни жойлаштиришда уларнинг пишиб етилиш даври чуқур ўрганилди, — дейди ушбу фермер хўжалиги иш юритувчиси Шаҳзод Эргашев. — Масалан, 100 гектар ерга олманинг 10 дан ортиқ нави экилган бўлиб, уларнинг меваси пишиқчилик мавсуми бошланганидан то кеч кузгача навбатма-навбат етилади. Бу буюртмачиларга маҳсулотни узлуксиз етказиб бериш имконини туғдиради.

Мевалари ғарқ пишган мазкур боғга кирган кишининг баҳридили очилиб кетади. Қатор-қатор симбағазларга тортилган митти дарахтларнинг шохлари ҳосили кўплигидан эгилган. Офтоб нурига чўмиб, қизил тус олган тарам-тарам олмаларнинг катталиги нимкосадек келади. Тағин ҳаммасининг ҳажми, шакли шамойили бир хил. Қўлингизга олсангиз, хушбўй ҳиди димоғингизга урилади.

Боғбонларнинг айтишича, меваларнинг ҳар бири 250 грамм тош босади. Шу боис дастлабки йилнинг ўзида гектарига 10 тоннадан мева териб олиниши мўлжалланмоқда. Келгусида ҳосилдорлик йил сайин ошиб, хусусан, 4-5 йилларда гектарига 40 — 50 тоннадан ортади.

Қувонарлиси, етиштирилган мевага ҳозирдан харидор нақд. Териб олинган ҳосил МДҲ ва Европа мамлакатларидаги буюртмачиларга пешма-пеш жўнатилади.

— Ушбу боғни кўриб, Ўзбекистон мева-сабзавотчилик тармоғида нақадар юксак салоҳиятга эга эканлигига яна бир карра амин бўлдим, — дейди Беларусь Республикасининг "Караван XXI век" компанияси етакчи мутахассиси Оксана Черняева. — Тўғри, бизнинг юртда ҳам олма етиштирилади. Аммо серқуёш ўлкангиздан келтирилган маҳсулотга талаб жуда катта. Ўзига хос тупроқ-иқлим шароити, юксак боғдорчилик маданияти, энг асосийси, кимёвий ўғитлардан фойдаланилмаслик — буларнинг барчаси экологик тоза маҳсулот етиштиришда қўл келади. Шу боис мамлакатимиз фермерлари билан тўғридан-тўғри савдо-сармоявий алоқаларни ўрнатишдан манфаатдормиз.

Мева-сабзавот экспорти ҳажмининг ортишида, шубҳасиз, замонавий совитиш камерали қайта ишлаш корхоналарининг аҳамияти ниҳоятда катта. Айниқса, ўзбек заминида етиштирилган ноз-неъматларга талаб мунтазам ортиб бориши юртимизда мазкур тармоқни янада ривожлантириш, янги мажмуа ҳамда корхоналар бунёд этишни тақозо қилади. Кейинги йилларда мазкур йўналишдаги ишлар жадал давом эттирилиб, хорижнинг энг замонавий технологик линиялари ва ускуналари билан жиҳозланган йирик саноат корхоналарига асос солинаяпти.

Халқаро ярмарка доирасида чет эллик мутахассислар ташриф буюрган "Gold dried fruits" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай илғор хўжалик юритиш субъектларидан бири ҳисобланади. 2013 йилда ташкил топган ушбу корхона Германия, Голландия, Бельгия, Хитой каби давлатларнинг энг сўнгги русумдаги технологиялари билан жиҳозланган. Улар ёрдамида йилига 40 минг тоннагача мева-сабзавотни қайта ишлаш мумкин. Айни пайтда қуритилган маҳсулотларнинг 95 фоизи Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Германия, Молдова, Қозоғистон каби мамлакатларга сотилаяпти.

2015 йилда корхона қошида универсал совитиш комплекси қурилгач, қуёш нурига тўйиб етилган, витаминларга бой қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сархил ҳолда экспортга чиқариш учун қулай шароит юзага келди.

— Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча соҳада, хусусан, иқтисодиётнинг озиқ-овқат саноатида жадал ривожланмоқда, — дейди "ROC International Co. Ltd." компанияси масъул ходими Ли Мёнг Жей. — Буни мазкур корхона мисолида ҳам кўриш мумкин. Негаки, бу ерда қайта ишланган маҳсулотнинг маълум қисми бизнинг мамлакатга экспорт қилинаётган экан. Чунки серқуёш ўлкангизда етиштирилган қалампир, булғор қалампири, бақлажон, карам, қизил лавлаги, пиёз — барча-барчаси ажойиб мазаси билан устунликка эга. Мева-сабзавот савдосига ихтисослаштирилган бизнинг компаниямиз бу борадаги алоқаларни янада ривожлантириш тарафдори. Халқаро ярмаркага тарвуз, қовун, узум, шафтоли, ўрик каби мевалар импорти бўйича келишувларга эришиш мақсадида келганмиз. Хусусан, "Gold dried fruits" корхонаси билан ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёрмиз.

Айтиш жоизки, "Gold dried fruits" масъулияти чекланган жамияти жамоаси чет элда маҳсулотларига ортиб бораётган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, ўзлари ҳам мева-сабзавот етиштиришга қўл урган. Айни пайтда жамият тасарруфида 1000 гектар экин майдони бўлиб, шундан 400 гектарида боғ яратилган. Қолган қисмида эса сабзавот, полиз экинлари ва кўкатлар парваришланаяпти. Булар билан муфассал танишган хорижий компаниялар раҳбарларининг аксарияти ушбу корхона билан ҳамкорлик қилиш истагини билдиришгани диққатга сазовордир.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Шу куни "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг устунлиги" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ҳам ташкил этилди. Унда тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутасаддилари, соҳанинг етакчи олим ва мутахассислари, қатор халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

— Республикангиз ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашдан ташқари, хорижий мамлакатлар озиқ-овқат таъминотига ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани эътиборга молик, — дейди Бутунжаҳон Сабзавотчилик марказининг Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий идораси директори Варвик Исдаун. — Бу борада қўлга киритилаётган ютуқлар БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг 2015 йил июнь ойида Италияда бўлиб ўтган 39-конференциясида ҳам юксак эътироф этилганидан хабардормиз. Зеро, юртингизда олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар ўзининг самарадорлиги, инсон омили устуворлигига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Халқаро анжуман шуъба йиғилишларида Ўзбекистон сабзавот-полиз маҳсулотларининг истеъмол сифатлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари, мева ва узумларнинг рақобатдошлик жиҳатларига бағишланган кўплаб мавзуларда маърузалар тингланди.

I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасининг дастлабки натижалари Ўзбекистонимизда етиштирилган мева ҳамда сабзавотларга хорижда талаб ниҳоятда катталигини яққол кўрсатмоқда. Таъбир жоиз бўлса, улар юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий бренд — товар белгисига айланиб бораётир. Бу истиқлол йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилиниб, амалиётга замонавий илм-фан ютуқлари, интенсив технологиялар қўлланилаётгани, деҳқону фермерлар фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилаётганининг юксак самарасидир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Сўз — Халқаро ярмарка иштирокчиларига

**Али Абдулла ал-МАЗРОВИЙ,**
**"Tashkent Vegetables & Fruits Trading" компанияси бош менежери**
**(Саудия Арабистони):**

— Ўзбекистон — жаннатмонанд диёр. Бу заминга Яратганнинг назари тушган, десам, асло муболаға бўлмайди. Мана, масалан, Президентингиз раҳнамолигида аждодлардан қолган бой маънавий-маданий мерос ҳамиша эъзозлаб келинаяпти. Тинчлик, тотувлик, фаровонлик ҳукмрон. Бағрикенг ҳамда меҳмондўст халқингиз бор. Яна бир муҳим томони, юртингизда етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотлари энг сифатли, энг тотли неъматлар ҳисобланади. Дунёда уларга тенг келадиганларининг ўзи йўқ-да.

Мана шундай бетакрор юртга меҳримиз баланд бўлгани учун ҳам, компаниямиз номи "Tashkent" деган сўз билан бошланади. Мақсадимиз мамлакатингизда етиштирилган дала ва боғ неъматларини ўз халқимизга етказиб беришдир. Халқаро ярмаркада қатор шартномалар имзолаяпмизки, бу келажакда ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз янада кенгайишига хизмат қилади.

**Винод КУМАР,**
**Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Давлатларимиз ўртасида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий алоқалар изчил ривожланиб бораяпти. Кейинги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ортгани, Ҳиндистон капитали иштирокида тузилган юздан зиёд корхоналар фаолият юритаётгани ана шундан далолат беради. Биринчи халқаро ярмарка, ўйлайманки, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, хусусан, мева-сабзавотлар ва улардан тайёрланган маҳсулотларни етказиб бериш бўйича истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда катта ўрин тутади.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бир пайтлари экин майдонларининг қарийб тўқсон фоизи пахта билан банд бўлган республикангиз қисқа муддатда вазиятни ўзгартириб, табиий тоза мева, сабзавот, узум ҳамда полиз маҳсулотлари етиштириш, интенсив боғлар яратишда салмоқли муваффақиятларни қўлга киритаяпти. Бу эса дунёда кўзга кўринган ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчиларни ўзига оҳанрабодай тортмоқда.

**Андрей КОЛУПАЕВ,**
**"Еврологистика" компанияси бошқаруви аъзоси (Латвия):**

— Биз Ўзбекистондан Европага қуруқ меваларни етказиб бериш билан ҳам шуғулланамиз. Чунки бу ерда тайёрланган бундай маҳсулотлар жуда сифатли бўлиб, уларга талаб ниҳоятда катта. Жорий йилда серқуёш юртингизда ҳар қачонгидан мўл-кўл ҳосил етиштирилаётгани ҳақида етарли маълумотга эгамиз. Бундан ҳамма қатори биз ҳам хурсандмиз. Халқаро ярмарка сабаб ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамлангани эса айни муддаодир.

# ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ўсимлик дунёсининг турлари таркибини ва биологик хилма-хилликнинг таркибий қисми сифатида ўсимлик дунёсининг генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш борасидаги вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, қонуннинг қабул қилиниши ўсимлик дунёси объектларининг турлари камайиб бориши ёки йўқолиб кетишининг олдини олиш ҳамда сабабларини бартараф этишга, улардан илмий асосланган ҳолда оқилона ва барқарор фойдаланилиши ҳамда такрор кўпайтирилишини таъминлашга, юридик ва жисмоний шахсларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилади.

Мажлис қизиқарли баҳс тарзида ўтганлиги мазкур ҳуқуқий ҳужжатни атрофлича муҳокама этиш имконини берди. Сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

— Ушбу қонуннинг янги таҳрири атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтиришга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга хизмат қилади, — **дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг аъзоси Э. Холбўтаев.** — Бундан ташқари, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишни ташкил этишнинг ҳозирги вақтга қадар кўп жиҳатдан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиб келинган механизмларини эндиликда қонун ҳужжатлари билан самарали тартибга солиш таъминланади. Шунингдек, қонун лойиҳаси биологик хилма-хилликнинг ажралмас қисми сифатида ўсимлик дунёсининг кенг кўламли муҳофаза қилинишини, ваколатли давлат органлари ва муассасаларнинг ушбу соҳадаги фаолиятининг ошкоралигини таъминлайди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати катта аҳамиятга эга.

— Шуни таъкидлаш муҳимки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини ошириш имконини беради ва қонун ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади, шунингдек, ўсимлик дунёсининг кенг кўламда муҳофаза қилинишини таъминлайди, — **дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг аъзоси Ф. Ибрагимова.** — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ушбу соҳадаги нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати ҳам катта аҳамиятга эга. Бу партиямизнинг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим омил бўлади. Фракциямиз биринчи ўқишдаги қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлашини билдирган ҳолда, ушбу ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида ўсимлик дунёси объектларини давлат ҳисобига олишни такомиллаштириш ҳамда давлат кадастрини юритиш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларини сақлаб қолишга доир талабларни кучайтириш, шунингдек, ушбу соҳадаги ваколатли органларнинг жавобгарлигини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

— Фракциямиз давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги тартибга солиш борасидаги ролини мустаҳкамлаш, ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш учун изчил ҳаракат қилмоқда, — **дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг аъзоси А. Тумишова.** — Қонун лойиҳасига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ушбу соҳадаги ваколатларини аниқлаштирувчи нормаларни киритиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга мамлакатимиз ҳудудида ўсимлик дунёси объектларининг савдосини ҳамда уларни республикамизга олиб киришни давлат томонидан тартибга солишни назарда тутувчи нормаларни киритиш ҳам муҳимдир. Шунингдек, фракция ҳаволаки нормаларини қисқартиришга эътибор қаратди, бу ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

— Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси дахлсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш партиямиз сайловолди дастурининг асосий йўналишларидан биридир, — **дейди Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг аъзоси Д. Тангиров.** — Партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида фракциямиз қонун лойиҳасининг иқтисодий механизмларини такомиллаштиришни, биологик ресурслардан фойдаланиш тартиби ҳамда принципларини соддалаштиришни, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши учун жисмоний ва юридик шахсларнинг масъулиятини оширишни назарда тутувчи нормаларга алоҳида эътибор қаратади. Қонун лойиҳасига ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишнинг аниқ йўлларини ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимликларни сақлаб қолишга доир талабларни белгилаш, шунингдек, ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланишга, ўсимлик дунёсини ҳамда у кўпаядиган жойларни сақлаб қолишга қаратилган биотехник тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги нормаларни қонун лойиҳасига киритиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, бу аҳолининг экологик маданиятини оширишга, шунингдек, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланиш борасидаги фаолиятда жамоатчиликнинг иштироки кучайишига ва мазкур соҳада адолат принципини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

— "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш масалаларининг бугунги жамият учун долзарб эканлигидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди, — **дейди Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг аъзоси С. Самойлов.** — Қонун лойиҳасида давлат сиёсати ва бошқарувининг ушбу соҳадаги асосий йўналишларини белгилашга кўмаклашадиган янги ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлаб қўйиш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, бу ҳужжатда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турлари, ўсимлик дунёсининг ноқонуний равишда йиғилган ҳамда тайёрланган объектларини олиб қўйиш ва мазкур соҳадаги низоларни ҳал этиш тартиби, ёввойи ўсимликларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ҳамда мамлакатимизга олиб кириш қоидалари ва шартлари аниқлаштирилмоқда. Умуман олганда, қонун лойиҳаси ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни такрор кўпайтириш жараёнларини қонунчилик даражасида тартибга солишга хизмат қилади.

Сўнгра депутатлар бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан киритилган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини муҳокама этдилар.

Депутатлар таъкидлаганларидек, ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг долзарблиги шундаки, лойиҳа Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий маълумотлар базасида мавжуд норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар матнларидан фойдаланувчиларнинг, шу жумладан, ижрочилар ҳамда аҳолининг тезкор ва кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилгандир. Лойиҳанинг қабул қилиниши ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ҳамда аҳамиятини фуқароларга ўз вақтида ва тўлиқ етказиш учун қўшимча шарт-шароит яратади, бу эса аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси мажлис давомида ўз ваколати доирасида мазкур қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритди. Мухолифат аъзолари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш масалаларини аниқлаштиришга, шунингдек, қонуннинг кучга киришига тааллуқли айрим тузатишлар киритишни таклиф этдилар.

Ушбу қонун лойиҳаси кўриб чиқилганидан сўнг овозга қўйилди, унинг натижаларига кўра, депутатларнинг кўпчилиги дастлабки киритилган қонун лойиҳаси учун овоз бердилар.

Амалий музокара давомида қуйи палата аъзолари, шунингдек, "Ветеринария тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама этдилар. Қонун лойиҳаси ветеринария соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини янги таҳрирдаги "Ветеринария тўғрисида"ги Қонун нормаларига мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Депутатлар фикрига кўра, таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги зиддиятларни бартараф этишга, шунингдек, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари нормаларида қўлланилган атама ҳамда тушунчаларнинг бир хил қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Депутатлар, шунингдек, "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасига эътибор қаратдилар. Ушбу тузатишлар махсус ва ҳуқуқий масалаларни ўз ичига олган ўқув дастурига мувофиқ, суд экспертларининг малакасини ҳамда ҳуқуқий билимларини вақти-вақти билан оширишнинг ягона тизимини жорий этишга қаратилганлиги таъкидланди. Қонуннинг қабул қилиниши суд экспертизаси масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормалари самарали ва бир хил қўлланилишига хизмат қилади, шунингдек, суд экспертларини тайёрлашни ташкил этишда ҳамда малакасини оширишда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф қилиш, суд экспертизаси натижадорлигини ошириш имконини беради.

Шунингдек, парламент аъзолари ўз ишларини "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунларга, "Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиққан ҳолда давом эттирдилар. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Жумладан, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунни акциядорлик жамиятлари устав фондидаги улуши камида 15 фоизни ташкил этиши лозим бўлган чет эллик инвесторлар иштирокида ташкил этилишини назарда тутувчи алоҳида қисм билан тўлдириш таклиф қилинмоқда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг айрим моддаларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар умумий юрисдикция судларида ҳамда хўжалик судларида чет эл инвестициялари иштирокидаги акциядорлик жамиятларининг давлат божини тўлашдан — уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар бўйича озод қилинишини, шунингдек, солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар акциядорлик жамиятлари учун — устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 15 фоиз бўлганда қўлланилишини назарда тутади.

Музокаралар натижаларига кўра, депутатлар ушбу қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда ҳужжатларни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул қўмиталарга топширилди.

Мажлис давомида парламент қуйи палатаси аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатасининг**
**Ахборот хизмати.**

# «The Baltic Course» журнали юртимизнинг барқарор ва ишончли банк тизими ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Агар 2011 йилда мамлакатнинг 13 та тижорат банки юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республиканинг барча 26 та банки ана шундай баҳога лойиқ кўрилди. Қолаверса, жаҳон миқёсида савдо-сотиқ ишларининг ўсиш суръати сезиларли даражада сустлашгани, экспортга йўналтириладиган энг муҳим товарларга нисбатан ташқи талабнинг камайиши ва нархларнинг пасайишига қарамасдан, Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришишга муваффақ бўлди".

Мақолада Ўзбекистон банк-молия тизимидаги натижалар нуфузли халқаро молия институтлари томонидан эътироф этилаётгани мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга кўмаклашаётгани ҳам билдирилган. "Сўнгги йилларда "Moody's", "Standard & Poor's" ҳамда "Fitch Ratings" каби халқаро рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини "Барқарор" деб тасдиқламоқда. Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан "Бизнесни юритиш — 2016" бўйича эълон қилинган янги рейтингда Ўзбекистон жаҳоннинг 189 давлати орасида "Кредитлаш тизими" бўйича 105-ўриндан 42-ўринга чиққани ҳам эътиборга сазовордир", дея ёзилади журналда.

**«Жаҳон» АА.**
Рига

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кон-металлургия саноати:

# ҚУДРАТЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ

Истиқлолга эришилганидан сўнг комбинатнинг ана шу ташаббуси Президентимиз Ислом Каримов томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада 1991 йилнинг декабрь ойидаёқ олтин ва кумушни аффинажлаш цехи фойдаланишга топширилди. Кейинчалик эса ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот турларини кўпайтириш, қайта ишланаётган маъданлардан мис, молибден, олтин, кумуш, рух, қўрғошин ҳамда бошқа ноёб ва нодир металлар олишни йўлга қўйиш, мавжуд ускуналарни алмаштирган ҳолда, янги технологияларни жорий қилиш, қисқача айтганда, ишлаб чиқариш, технологик жараёнлар ҳамда иш услубларини такомиллаштириш, энергия тежовчи янги қувватларни ташкил этиш комбинатни молиявий барқарор, мустаҳкам рентабелли корхоналар қаторига киритишнинг ягона йўли эканлигини комбинат мутахассислари англаб етишди. Бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, комбинат ишини барқарорлаштириш, шу жумладан, кон-металлургия соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Ҳукуматимиз томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига мис бойитиш фабрикаси техник жиҳатдан янгиланди. Бу, ўз навбатида, товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини яратган бўлса, корхонани ривожлантиришнинг узоқ муддатли, кўп босқичли дастури ижроси таъминланиши эса "Қалмоққир" конини реконструкция қилиш, мис маъдани қазиб олиш миқдорини 2000 йилдаги 19,5 миллион тоннадан 2015 йилда 32,4 миллион тоннагача етказиш учун шароит туғдирди.

**«Қалмоққир» конида мис рудасини қазиб олиш, млн.т.**




Пировардида Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилда 1611,3 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб, мазкур кўрсаткич 2695,5 миллиард сўмга етди.

**Товар маҳсулотлари (эквивалент), млрд. сўм.**




Бундан ташқари, автомобиль ва темир йўл транспорти бошқармалари, энергия ҳамда сув таъминоти корхоналари, таъмирлаш-механика заводи, лабораторияларда ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар рўёбга чиқарилди.

Бунинг самараси ўларок, бугунги кунда "Олмалиқ КМК" АЖ томонидан ички ва ташқи бозорларга юборилаётган маҳсулотларнинг сифати юқори баҳоланмоқда. Халқаро эксперт ташкилотлари томонидан тақдим қилинган "Яхши етказиб берувчи" мақоми ҳамда сертификати фикримиз тасдиғидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1991 йилдан 2015 йилгача бўлган давр мобайнида комбинатда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги қувватларни ишга тушириш ҳамда мавжудларини кенгайтириш, шунингдек, ижтимоий-маиший объектларни қуриш мақсадида 2660 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди. Шунинг эвазига 2016 йилда Жиззах вилоятидаги цемент заводининг йиллик қуввати 760 минг тоннадан 1 миллион тоннага етказилди (бу ерда ишлаб чиқарилаётган оқ цемент республикамизда мутлақ янги маҳсулотдир), йилига 8 минг тонна мис қувурлари ишлаб чиқарадиган Ангрен қувур заводи (2013 йил), таркибида олтин бўлган маъдан қазиб олиш бўйича 80 минг тонна қувватга эга "Қайрағоч" ер ости кони, мис эритиш заводида 500 минг тонна олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарувчи янги цех ишга тушди. Шунингдек, кейинги йилларда Олмалиқда 12 минг ўринли замонавий спорт мажмуаси, "Дельфин" аквапарки, Жиззах вилоятида "Истиқлол" болалар соғломлаштириш оромгоҳи, Наманган вилоятида болалар дам олиш ҳамда истироҳат боғи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қолаверса, "Олмалиқ КМК" АЖда 2000 йилдан бошлаб маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларни амалга оширишга киришилгани муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, бу ерда 2002 йилдан эътиборан Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 348,8 миллиард сўмлик 50 та лойиҳа ҳаётга татбиқ қилингач, 166,9 миллион АҚШ доллари тежаб қолинди. 2016 йилда эса 77,4 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрланиб, 27,2 миллион АҚШ доллари тежаб қолиниши режалаштирилган бўлса, айни пайтда тегирмонлар учун эҳтиёт ҳамда бутловчи қисмлар, экскаватор чўмичлари учун олддеворлар ва тишлар, турли русумдаги насослар учун ускуналар, конвейер роликлари ҳамда импорт ўрнини босувчи бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона маъмурияти ишчи ва мутахассисларни ижтимоий ҳимоялаш, рағбатлантириш, уларнинг унумли меҳнат қилиши ҳамда кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун қулай шароитлар яратиш баробарида, Олмалиқ шаҳридаги соғлиқни сақлаш ва халқ таълими муассасалари биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш, қуриш бўйича улкан ишларни олиб бормоқда, ижтимоий аҳамиятга эга объектларни барпо этиб, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини доимий равишда амалга ошириб келаяпти.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати фаолиятидаги яна бир муҳим йўналиш, бу — озиқ-овқат дастури ижросига ҳисса қўшиш. Чунончи, 1995 йилда Исроил давлати мутахассислари иштирокида сут-товар фермаси ташкил қилинган бўлиб, ҳозирги кунда бу ерда 1100 бош соғин сигир парваришланмоқда. Аъло сифатли сут ва сут маҳсулотлари, яъни қаймоқ, сметана, творог ҳамда бошқа неъматлар корхона жамоаси билан биргаликда шаҳар аҳлига етказиб берилаяпти. Бундан ташқари, 41 гектарлик сув ҳавзаларида ҳар йили 40 тоннагача балиқ етиштирилаётир. Ёрдамчи хўжаликда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — сабзавот ва мевалар эса комбинат дўконларига узлуксиз етказиб берилмоқда. Бу борада, табиийки, Олмалиқдаги 3500 тонна, Сурхондарё вилоятидаги 500 тонна сиғимли замонавий мева-сабзавот сақлаш омборлари қўл келаяпти.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда, айниқса, ўз маблағи ҳамда чет эл сармояси иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар муҳим роль ўйнамоқда. Мисол учун, 2006 йилда Буюк Британиянинг "Contessa Ventures LTD" компанияси билан ҳамкорликда ишга туширилган "Know-How in Production Process" қўшма корхонасида мис купороси майдаланиб, қайта ишланаётган бўлса, "Жиззах" махсус индустриал зонасида жойлашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "AWP" қўшма корхонасида сантехника воситалари, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги "HPC Systems" қўшма корхонасида эса юқори кучланишга чидамли кабеллар ишлаб чиқарилмоқда ва бу маҳсулотлар, асосан, экспортга йўналтирилаяпти.

Истиқболда эса комбинатда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар (рух оксиди ёки рухли белила, рухланган металл листлари ҳамда профилланган тўшамалар, мис листлари ва фольгаси, ўчиргич ҳамда розеткалар учун контактлар) тайёрлаш ва уларнинг турларини кенгайтириш, Шеробод туманида йилига 1,5 миллион тонна цемент ҳамда Олмалиқда 25 минг тоннагача қўрғошин ишлаб чиқарувчи заводларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ва "Дальнее" конини ўзлаштириш кўзда тутилган. Мазкур янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилишдан мақсад комбинатни янада ривожлантириш билан бирга, аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар бандлигини таъминлашдан иборатдир.

Бунинг учун олтита касб-ҳунар коллежи билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганки, пировардида ҳар йили мингдан ортиқ ёш мутахассислар жамоа сафига келиб қўшилмоқда. Айни чоғда олий маълумотли кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам эътиборда турибди. Мустақиллик йилларида Олмалиқ кон-металлургия комбинати маблағлари эвазига мамлакатимиз ҳамда хориждаги техника университетларини деярли 800 нафар йигит-қиз тугатгани, ҳозирги кунда 110 нафар ёш чет элдаги нуфузли ўқув юртларида таҳсилни давом эттираётгани ана шундан далолат беради.

Қисқаси, Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан руҳланган Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг 30 мингдан ортиқ меҳнат жамоаси қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, шу тарзда Ўзбекистонимизнинг иқтисодиёти равнақини таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Бу эса кутилганидан зиёд самараларни бераётир.

**Фурқат МАКСУМОВ,**
**«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти бош муҳандиси.**

Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 2 ИЮЛДАН 8 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 20 июндаги 46, 2016-20, 50В-1-сон «Экспорт-импорт операциялари бўйича ҳисоб-китобларда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидан тўғри фойдаланиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 375-1 (2016 йил 11 июлдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 4 июлдаги 01-02/13-55-сон «Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2659-1 (2017 йил 1 январдан кучга киради).**

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 44-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2806 (2016 йил 11 июлдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 45-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2807 (2016 йил 11 июлдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки томонидан тасдиқланган Экспорт-импорт операциялари бўйича ҳисоб-китобларда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидан тўғри фойдаланиш тартиби (рўйхат рақами 375, 1997 йил 3 декабрь).

**Адлия вазирининг 2016 йил 5 июлдаги 170-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

ЭЪЛОНЛАР

AGROBANK

MOODY'S
халқаро рейтинг агентлиги

2016 йил 8 июлда
«Агробанк»
акциядорлик тижорат банкининг
халқаро рейтингини
«БАРҚАРОР»
деб баҳолади.

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган.

1045А/478

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 26 июндаги 10-1505/9586-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 100-«А» уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 1 046 кв. м., бинонинг умумий майдони 736 кв. м., баландлиги 6 метрга тенг бўлган омборхона бино-иншооти қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 708 685 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 18 август куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 16 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион ўтказиладиган манзил:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Тел./факс: (0-371) 228-80-26. www.1kms.uz**

1043А/180

Хизматлар лицензияланган.

**«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти**

2016 йил 1 августдан бошлаб маҳаллий қатновларда ташиладиган юкларга нисбатан 10-01 Прейскуранти ставкаларига 1,553 коэффициенти, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли иштирокида ташиладиган юкларга 1,634 коэффициенти, «Ангрен — Поп» темир йўли иштирокида ташиладиган юкларга 1,849 коэффициенти ва «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» ҳамда «Ангрен — Поп» темир йўллари иштирокида ташиладиган юкларга ягона 1,849 коэффициенти қўлланилишини маълум қилади.

1046R/467

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони жамоаси девон ходими М. Мираҳмедовага турмуш ўртоғи

**Абдуҳамид Маликович МИРАҲМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 767. 75 805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6